

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

«АГРОНОМИЯ» ФАКУЛЬТЕТИ
КАСПИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

«Мева сабзавотчилик ва қайта ишлаш» кафедраси

«ГАСДИҚЛАЙМАН»

«Химояга рухсат этаман»

факультет декани _____

кафедра мудири _____

Доцент. З.Бўстанов
«__» _____ 2013 йил

К.х.ф.н. Ж. Тўйчиев
«__» _____ 2013 йил

**«Агрономия» факултети «Каспий таълим»
таълим йўналиши 4-босқич 1-гуруҳ талабаси
Яркулова Муаттарнинг**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: «Мева- сабзавотчилик фанини ўтишда илғор
педагогик технологиялардан фойдаланиш
афзалликларини ўрганиш».**

Илмий рахбар, қ.х.ф.н., доцент:

З.Бўстанов.

Андижон – 2013 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

«АГРОНОМИЯ» ФАКУЛЬТЕТИ
КАСПИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

«Мева сабзавотчилик ва қайта ишлаш»
кафедраси мудири

қ.х.ф.н. Ж. Тўйчиев

«20» 04 2012 йил

4 босқич 1 -гурух талабаси **Яркулова Муаттар га**

Битирув малакавий ишини бажариш учун

ТОПШИРИҚ

1. «16» 06 2012 й № 173-ст буйруқ билан тасдиқланган.

2. Мавзу: **«Мева- сабзавотчилик фанини ўтишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш афзалликларини ўрганиш».**

3. Битирув малакавий ишини тугатиш вақти «10» май 2013 й.

4. Битирув малакавий ишини бажариш учун керакли маълумотлар Андижон Агросаноат касб- хунар коллежи маълумотлари, Илғор педагогик технологияларнинг моҳияти ва унинг узликсиз ривожланиши, “Мева-сабзавотчилик” фанини ўқитишни мақсад ва вазифалари, “Мева сабзавотчилик” фанининг мазмун-моҳияти , Мева сабзавотчилик фанидан талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини ташкил этиш.

5. Битирув малакавий ишини асосий бўлимлари Кириш, адабиётлар шарҳи, Илғор педагогик технологияларнинг моҳияти ва унинг узликсиз ривожланиши, “Мева сабзавотчилик” фанининг мазмун-моҳияти , хулосалар , Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

6. Жадваллар рўйхати

7. Битирув малакавий ишини режаси.

| № | Битирув малакавий ишининг қисмлари | Асосий қисмни бажариш вақти | Текширувдан ўтганлик белгиси |
|---|---|-----------------------------|------------------------------|
| 1 | Кириш | Март 2012 йил | |
| 2 | Адабиётлар шархи | Апрел 2012 йил | |
| 3 | Илғор педагогик технологияларнинг моҳияти ва унинг узликсиз ривожланиши | Май 2012 йил | |
| 4 | “Мева-сабзавотчилик” фанини ўқитишни мақсад ва вазифалари | Май-2012йил | |
| 5 | “Мева сабзавотчилик” фанининг мазмун-моҳияти | Март 2013 йил | |
| 6 | Мева сабзавотчилик фанидан талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини ташкил этиш | Апрел 2013йил | |
| 7 | Хулоса | Май 2013йил | |
| 8 | Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | Май 2013йил | |

8. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчи(лар)

| № | Бўлим мавзуси | Маслаҳатчи ўқитувчи ф.и.ш. | Имзо, сана | |
|---|---------------|----------------------------|------------------|--------------------|
| | | | Топширик берилди | Топширик бажарилди |
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| 3 | | | | |

Топширик берилган вақт «20» апрел 2012 йил

Иш раҳбари:
Талаба:

З.Бўстонов
М.Яркулова

МУНДАРИЖА

1. КИРИШ

2. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

3. ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ МОХИЯТИ ВА УНИНГ УЗЛУКСИЗ РИВОЖЛАНИШИ

3.1 Илғор педагогик технология ва унинг тамойиллари

3.2 Педагогик технология кўринишлари

3.3. Педагогик технология билан методика орасидаги айрим фарқлар

3.3. Анъанавий ва ноанъанавий усуллари

4. МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ФАНИНИ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

4.1 “Мева-сабзавотчилик” фанини ўқитишни мақсад ва вазифалари

4.1 “Мева сабзавотчилик” фанининг мазмун-моҳияти

4.2 Мева сабзавотчилик фанидан талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини ташкил этиш

5. МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ФАНИНИ УЎҚИТИШДА МУАММОЛИ МАЪРУЗА - ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

5.1 Маъруза таълимни ташкиллаштиришнинг асосий шакли

5.2 Мева сабзавотчилик фанидан маъруза дарсларини ўқитиш технологиясининг жараёнли тузилмаси

5.3 Мева сабзавотчилик фанини ўқитишда таълим воситаларидан фойдаланиш

6. ХУЛОСАЛАР

7. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатловчи жамиятни маънавий янгилайдиган, ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётини шакллантирадиган ва уни жаҳон ҳамжамияти даражасига кўтариб, узвийликни таъминлайдиган очиқ демократик ҳуқуқий Давлат сифатида кўрмоқда.

Ўзбекистон тараққиётида халқнинг бой маънавий салоҳияти ва умум инсоний қадриятларга ҳамда ҳозирги замон маданияти, иқтисодиёти, фан техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукамал таълим тизимини барпо этиш долзарб аҳамиятга эга.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илғор педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш тўғрисида кўп қарра такрорланади. Педагогик технологияларнинг ўзи нима ва у анъанавий таълим методларидан нимаси билан фарқланади ?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йилигига бағишланган маърузасида республикаимиз Президенти И.Каримов таълим тизими олдида турган муҳим вазифаларга тўхталиб, шундай деган эди: "Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср - интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик мазмунига айланмаса - бундай давлат жаҳон тараққиёти йулидан четга чиқиб кетиши муқаррар."

Бу шубҳасиз, талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига сифат жиҳатдан юқори бўлган бир қатор талаблар қуйишни тақозо этади. Шундай талабалар таълим ва тарбия олиш жараёнида ўрганиши керак бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг сифати устида ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда педагогик адабиёт, таълим муаммоларига оид маърузалар, расмий ҳужжатларда «янги педагогик технология» «илғор педагогик технология», «замонавий педагогик технология» иборалари кенг тарқалмоқда.

Аммо, «педагогик техноллогия» тушунчаси хали хам бир шакилга туширилмаган қомусларда изоҳланганича йук, унинг мазмунини талқини ишлаб чиқилмаган ва шунинг учун иборанинг бир-биридан фарқланувчи кўпгина таърифлар мавжуд.

Буларнинг орасида эътиборга лойиғи ЮНЕСКО таърифидир: Лекин технология бу бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш тренигида ўз олдига таълим шакллари самарадорлаштириш вазифасини кўяди фан техник хамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олиш билимларни яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли услубидир».

Бу таъриф асосий тушунчалар «тизимли услуб» эканлиги равшан, қолган сўзлар педагогик технологиянинг тизим сифатидаги таркибий ечимларини ифодалайди. Айнан тизимли ёндашув педагогик технологияни бошқа ёндашувлардан фарқловчи асосий белги этиб ҳисобланади. Бошқа мақсадлари, унинг мазмуни, ўқитиш ва таълим бериш услублари ва натижаларни баҳолашни ўзаро алоқада ва бир-бири билан боғлиқда лойихалаш-кўпинча анъанавий услуб жараёнида етишмайдиган белгилардир.

Ҳозирги кунда ўқувчиларга берилаётган ахборотлар ҳажми, мазмуни бўлиб, уларнинг ичидан бевосита ўзига ва келажакда керак бўладиган ахборотларни ажратиб олиш методи, маданияти етарли эмасликлари, мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ва уни керакли йўналишларга олиб ўтиш лозим эканлиги ҳозирги даврнинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

XXI аср ахборотлар асри бўлиб, биз талабаларга берган назарий билимларимиз тез эскириб қолмоқда. Шунинг учун таълим жараёнида таълим олувчининг мустақил ишлашига аловдда эътибор бериб, мустақил билим олиш, кўникма ва малакаларини мустақил равишда ривожлантиришга ёндашишимиз керак.

Шу боис мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб сифатли кадрлар тайёрлашга қодир миллий асосга қурилган ва жаҳондаги илғор

давлатлар таълими тараққиёти тажрибаларига таянадиган кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш асосий вазифаларидан бирига айланди. 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” миллий таълим тараққиёти ва миллий кадрлар тайёрлаш тизими истиқболларини белгиловчи ҳужжат сифатида бу соҳадаги ишларни ривожлантиришда яна бир тарихий давр бошланишига замин яратди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати жаҳон андозаларига мос келадиган кадрлар тайёрлаш масалаларига эътиборни қаратиб келмоқда.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг амалдаги учинчи босқичи мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш, таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини янги ўқув-услугий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминлаш, таълим жараёнини ахборотлаштириш каби вазифаларни амалга оширишни кўзда тутди. Бу вазифаларни амалга оширишда олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар юксак касбий маҳорат ва компьютер саводхонлигига эга бўлишлари талаб этилади.

Бу жараёнда илғор педагогик технологияларнинг бир қанча муаммолари ўз ечимини топади. Яъни:

- таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланади;
- ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услугий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади;
- миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади;
- касб-ҳунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўз-ўзини бошқариш шакллари мустаҳкамланади;

- таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ камраб олинади.

Узлуксиз таълим тизимининг олдига қўйилган давлат ва ижтимоий буюртмага мувофиқ, олий ўқув юртлари таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, илм-фаннинг сўнгги ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижодкор, ижтимоий фаол, юксак маънавиятли, касб-ҳунарли, Она-Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбияланган, ижодий ва мустақил фикр юрита оладиган, давлат ва жамият олдида ўз бурчи ва жавобгарлигини ҳис этадиган баркамол шахсни камолга етказиш, уларнинг онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади.

Замонавий кадрлар олдига қўйилаётган энг муҳим вазифалардан бири - малакали мутахассислар сифатида ўзлигини, ўз қобилиятлари, индивидуаллиги, шахсий фазилат ҳамда ҳислатларини билган тарзда атрофидагилар меҳнатини оқилона ташкил этиш ва ижтимоий фойдали меҳнатнинг барча соҳаларида иқтидорли касб соҳиби сифатида фаолият кўрсатишдир. Бу ўринда инсон руҳияти қонуниятларини ўрганувчи психология фанининг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Ёш авлодни янги таълим стандартлари асосида, жаҳон талабларига жавоб берувчи мутахассислар қилиб тарбиялаш иши олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшлар учун янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари, рисоалар тайёрлашнинг ҳам янги услубларини талаб этмоқда. Ушбу ўқув қўлланма ёшларга айнан психологик билимлар асосларини берсада, умид қиламизки, уларни ўз атрофида рўй бераётган ислохотларга ҳолис баҳо бериш, ўзи ва ўзгалар руҳияти сир-асрорларини бефарқ бўлмаслик, ўз лаёқатларини ўстиришнинг элементар воситаларидан боҳабар бўлишга ёрдам беради. Чунки шахсгина ўз қобилияти, иқтидори, лаёқати, тафаккури, диққати, характери хусусиятларини билиб, уни тўғри йўналтира олса, бу нафақат шахснинг ўзига, балки жамият учун ҳам катта наф келтиради.

2.АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврда мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари каторида таълим тизими, уни таркибий қисми бўлган Олий ва ўрта махсус таълими ҳам туб ислохотларни бошдан кечириб, такомиллашиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида» ги Қонуннинг қабул қилиниши (1997 йил, 29 август) ва уларда мамлакатимиз таълим тизимини ислох қилишнинг асослари, тамойиллари ва босқичларини белгилаб берганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Миллий мустақиллик ғоялари сингдирилган бу тарихий ҳужжатлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ривожланган мамлакатлар таълим тизимини ўрганишга ҳам кенг йўл очилди, иқтидорли ёш олимларимиз ва талабалар «Устоз» ва «Умид» жамғармалари орқали ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олишдек бахтга муяссар бўлмоқдалар. Ўз навбатида хорижий мутахассислар ҳам мамлакатимиз таълим тизимида рўй бераётган ислохотларни ўрганиб, уларга ижобий баҳо бермоқдалар. Бу каби ўзаро алоқалар ўз навбатида мамлакатимиз таълим тизимида ривожланган мамлакатлардаги илғор педагогик технологияларни ўз миллий кадриятларимиз нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, ўқув жараёнига жорий этишни ҳам тақозо қилмоқда. Зеро, бу каби амалий ишлар мамлакатимиз таълим тизимини жаҳон таълим стандартлари билан интеграциялашувининг асосий белгиларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичида «ўқув-тарбиявий жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш» алоҳида кўрсатиб ўтилган [1].

Бизга маълумки, Ўзбекистон ҳукумати, шахсан мухтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданок, айниқса, сўнги йилларда

маънавият ва маърифат масалаларига, таълим тизимини такомиллаштириб, уни жахон андозаларига мувофиқлаштириш бўйича ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси IX сессиясида (1997 йил 29 август) Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши фикримизнинг яққол далилидир. Бу муҳим ҳужжатлар истиқболий характерга эга бўлиб, уларнинг мамлакатимиз таълим тизимини такомиллаштиришда қандай ахамиятга эга эканлиги ҳаммамизга маълум. Ўтган давр ичида таълимни ислох қилиш бўйича амалга оширилган ишлар, уларнинг бажарилиши бўйича дастлабки ютуқлар эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Таълим мазмунини ислох қилиб, уни жахон таълим стандартларига мувофиқлаштиришда илғор педагогик технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор берилган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 5 мартдаги қарорига биноан, республикамиз олий ўқув юртларига ёшларни тест усулида қабул қилишни жорий этилиши, Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ичида биринчи марта жахон педагогикасидаги илғор тажрибаларни ўрганишга йўл очганлигидан далолат беради. Республикамизда тест усулини Давлат ахамиятидаги масала даражасига кўтарилганлиги, педагогик технологияни ўқув жараёнига жорий этишга ҳам кенг имконият яратди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан барча ўқув юртларда илғор педагогик технологияларни жорий этиш бўйича аниқ мақсад сари самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 1997 йил апрел-июн ойларида ўтказилган Республика илмий-амалий семинарлар дастурида педагогик технологияни ўқув жараёнига жорий этиш масаласи ўз аксини топган. Ўша йили август ойида «Муаммолар» институтида «Илғор педагогик технологиялар» бўйича жадаллаштирилган малака ошириш курси ташкил қилиниб, унда профессор

Б. Л. Фарберман қизиқарли маърузалар ўқиди. У таъкидлаганидек: «Кўп босқичли таълим тизими, янги стандарт ва ўқув дастурлари жорий этилаётган ҳозирги даврда ўқитишни эскича услуб билан олиб боришга йўл қўймаслик керак» [6].

Ўтган давр мобайнида бу институт томонидан Республикамиздаги бир нечта олий ўқув юртларида педагогик технологияни ўқув жараёнига жорий этиш масаласига бағишланган махсус курс ва семинарлар ўтказилди. Хусусан, 1999 йилнинг ўзида Республика (8-9 апрел) ва 7 та ҳудудий семинарлар ўтказилди («Таълим муаммолари» 1999 й. № 1-2). Бу эса, ҳозирги кунда педагогик технологияни ўқув жараёнига жорий этиш, Вазирлик миқёсида энг долзарб масалалардан бири эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Вазирлик кўрсатмаларига амал қилган ҳолда, Наманган муҳандислик педагогика институтида ҳам педагогик технологияни ўқув жараёнига қўллаш бўйича бир мунча ишлар қилинмоқда. Жумладан, институт илмий кенгашининг 1997 йил 5 декабр кунги йиғилиш қарори билан профессионал-педагогик тайёргарлик йўналиши ишчи ўқув режасига 40 соат ҳажмда «Илғор педагогик технологиялар» фани киритилди ва у ҳозирги кунларда ҳам ўқитилмоқда. 1999 йилдан эса таълим стандартларига мувофиқ Республикамиздаги педагогик кадрлар тайёрловчи барча олий ўқув юртларида бу фанни ўқитилиши жорий қилинди. Унинг ахамияти шундаки, мазкур таълим йўналиши битирувчиларининг асосий қисми академик лицей ва касб-хунар коллежларида фаолият кўрсатадилар. Улар машғулотларни педагогик технология қоидаларига асосан ташкил қилиб, дастлабки иш фаолиятидаёқ ҳамкасблари ва талабалари диққат-эътиборини ўзларига жалб қилиши зарур. Институт таркибида ташкил этилган малака ошириш курси тингловчилари учун ҳам илғор педагогик технология фани ўқитилиб, уларда содир бўлган функционал лаёқатсизликка барҳам берилмоқда. Ўтказилган сўровномаларда тингловчилар бу фанни энг долзарб эканлигини таъкидламоқдалар.

Хўш, илғор педагогик технология ўзи нима, уни анъанавий ўқитиш усулидан қандай афзалликлари бор? Сухбатимизни ана шу саволга жавоб топиш билан давом эттираемиз.

Сўнгги йилларда Республикаимизнинг таниқли педагог-олимлари ва тажрибали амалиётчи ўқитувчилар томонидан ўқув жараёнига педагогик технологияни жорий этиш бўйича самарали изланишлар олиб борилаётганлиги бизга маълум. Педагогик технология тушунчаси илмий мақолаларда, анжуман маърузаларида, хисоботлар ва даврий нашрларда ҳам ўз аксини топмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, Республикаимизнинг таниқли олимлари Р.Х.Жўраев, У. Н. Нишоналиев, Н. С. Сайидахмедов, Б. Л. Фарберман, Россия педагог-олимлари; В. П. Беспалко, В. С. Безрукова, М. В. Кларин ва бошқалар ҳамда Қозоғистонлик олимлар М. Ж. Аристанов ва Ж. С. Хайдаров ўз илмий тадқиқотларида «педагогик технология» тушунчасининг моҳиятини ва ахамиятини очиқ беришга муносиб ҳисса қўшганлар.

Ўқитишга технологик ёндашиш, яъни ўқув жараёнини ҳам ишлаб чиқариш жараёни каби такрорланувчан характерга эга бўлишини таъминлашга оид дастлабки изланишлар ўтган асрнинг 50-йилларида америкалик педагог олимлар томонидан олиб борилган. Хусусан, «ўқитиш технологияси» ибораси ҳам биринчи марта америкалик олим Б.Скиннер томонидан ишлатилган. У - «ўқитиш технологияси-психология фани ютуқларининг педагогик амалиётда қўлланишидан иборат», деб таърифлаган [2;12].

Бунга асосан шунини таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда «педагогик технология» тушунчасига «янги», «илғор» ва «прогрессив» каби сўзларни қўшиб айтилиши ҳам нисбий мазмунга эга. Хусусан, Ўзбекистонда ўқитишга технологик ёндашишни оммалашмаганлигининг сабаби, бу усулни «тест» ва «бихевиоризм» тушунчалари билан боғлиқлиги, собиқ иттифоқ миқёсида улардан педагогик амалиётда фойдаланишни узок вақт маън қилинганлигидир.

Лекин, ҳаққонийлик нуқтаи назардан шуни таъкидлаш лозимки, буюк педагог А.С.Макаренко ўтган асрнинг 30-йилларида бундай деган эди: «Бизнинг педагогик ишлаб чиқаришимиз ҳеч қачон технологик мантик асосида қурилмаган, балки у ахлоқий вазҳонликка асосланган. Айнан шунинг учун ҳам: технологик жараён, меҳнат операцияларини ҳисобга олиш,... ёрдамчи ускуналар, меъёрлаш, қўйимлар, яроқсиз маҳсулотлар бўлими каби, ишлаб чиқаришга хос бўлган муҳим бўғинлар унда ўзидан-ўзи иштироксиз қолмоқда» Хозирга кунда жаҳон педагогикасида «педагогик технология» тушунчасига 12 хил таъриф берилганлиги маълум

Масалан: «Таълим технологияси илмий ва бошқа билимларнинг амалий масалаларни ҳал этишда тизимли равишда қўллашдан иборат». (Голбрайт).

«Педагогик технология таълимини тизимлаштириш ёки синфда ўқитишни тизимлаштириш ғояларини педагогикага тадбиқ этишдан иборат» (Т.Сакомато).

«Педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган барча шахс, амалий ва услубий воситаларнинг тизимлашган мажмуи ва уларни фаолият кўрсатиш тартиби». (Кларин М.В. 1999 й).

Юқоридаги таърифларда педагогик технологиянинг туб моҳияти ўқув жараёнига тизимий ёндашишдан иборат эканлиги яққол кўзга ташланади.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан педагогик технология тушунчасига қуйидагича таъриф берилган:

«Педагогик технология-таълим шакллари ва мақбуллаштириш учун инсон ва техник ресурсларни ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини эътиборга олган ҳолда, ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимий услубидир».

Россия психологи Н.Ф.Тализина таъкидлаганидек (2002 й), таълим тизимида педагогик технология иборасини пайдо бўлишига қуйидагилар сабаб бўлган:

1) дидактика қоидаларини барча мамлакатларда, хусусан АҚШда кенг

тарзда оммалашмагани;

- 2) унинг қоидалари ўта конструктив характерга эга бўлмай, замон талабидан орқада қолиб кетганлиги;
- 3) асримизнинг 60-йилларида таълим тизимига техникани-ўргатувчи машиналарни кириб келганлигидир.

Тегишли адабиётларни тахлил қилиш «педагогик технология» тушунчаси ўзининг ривожланиш тарихига эга эканлигини кўрсатди. Хорижий мутахассислар бу тушунчанинг ривожланишини уч босқичга бўлиб ўрганиш лозим деб хисоблайдилар. Биринчи босқичда, ўқитиш жараёнини фақат ўқитувчининг ўзи олиб борар эди.

Н.Ф.Тализина таъкидлаганидек (2003) «Инсон тажрибаси ўқитиш технологияси функциясини бажарган» Иккинчи босқичда эса, дарслик ва қўлланмалар чоп этила бошлагандан сўнг - ўқитиш технологияси мазмунида туб ўзгаришлар содир бўлди. Ўқитувчига ёрдам берувчи турли дидактик материаллар вужудга кела бошлади. Учинчи босқичда эса, ўқитиш технологияси мазмун жихатдан янада бойиди; ўқитувчи ва талабалар учун юқоридагилар қаторига техник воситалар, яъни ўргатувчи машиналар ҳам қўшилди.

Ўргатувчи машиналарни ўқув жараёнида қўлланиши натижасида дастурланган таълим тушунчаси вужудга келди. У педагогик технологиянинг дастлабки ўхшатмаси эди. Лекин, дастурланган ўқитиш тарафдорларининг «ўқитишини оғзаки баён қилиш услубидан воз кечиш вақти келди, машина ўқитувчи шахсини бемалол алмаштириши мумкин», деб эҳтиётсизлик билан айтган фикрлари амалиётчи педагогларни ўта хайратга солди, назарийчи педагоглар эса уни қатъий эътироз билан қабул қилдилар.

Бу ўринда, дастурланган таълим хақида америкалик педагог У. Шрамминг (2006) куйидаги фикрини мисол тариқасида келтириш мумкин: -Дастурланган ўқитиш - бу автоматик репетитор бўлиб, у талабани:

- 1) мантикий ўзаро боғлиқ, қисқа қадамлар орқали;

- 2) деярли хато қилдирмасдан;
- 3) тўғри жавоб беришга йўллайди ва у;
- 4) ўз ўрнида баҳоланиб мустахкамланиши натижасида;
- 5) ўқитиш мақсадларини белгиловчи аниқ жавобларга кетма-кет равишда яқинлаштириб боради.

Демак, бундан таълим жараёнида ўқитувчи шахсини батамом инкор этилади, деган хулосага келиш мумкин. Шунинг учун ҳам, дастурланган таълим ўша даврда ўқитишни аниқ мақсадларини белгилашнинг замонавий шакли бўлишига қарамай, фанда ва педагогик амалиётда ўз ривожини топмади.

Лекин, ўша йиллар жaxon педагогикасида техник воситаларни ривожлантириш ва уларнинг хонадаги барча талабаларни қамраб олиши, ахборот сиғими ва ахборот ўтказиш қобилиятларини ошириш, ўқув ахбороти узатиш каналини индивидуаллаштириш каби таълим бериш имкониятларидан унумли фойдаланишни такомиллаштиришга оид муаммоларга алоҳида эътибор берилди бошланди. Кўпчилик мутахассис олимлар ўқув жараёнида кенг қўлланилаётган одатдаги оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио) ўрнига ЭХМ, ахборот сақлашнинг компьютерлаштирилган тизими, лазерли алоқа канали, микроэлектрон қурилмалар ва бошқа янги ахборот воситаларидан фойдаланишга ўтиш зарурлигини таъкидладилар.

Ўтган асрнинг 50-йиллар ўртасида жaxon педагогикасида ўқув жараёнини тўла-тўқис янги, ўзига хос «технологик» усулда ташкил этишга ёндашиш вужудга келган эди. 60-йилларда эса, ўқитиш услубларининг ўта турли-туманлиги улардан ўқув жараёнининг ташкил этишда фойдаланишни қийинлаштираётганлиги этироф этила бошланди. Шунинг учун ҳам, барча услублар учун умумий бўлган илмий асос яратиш зарурати туғилди. Натижада, педагогик услублар технологияси ёки ўқув жараёнининг ташкил этиш технологияси, яъни «таълим технологияси» (an Adicatsional tehnolojiy) тушунчаси вужудга келди.

АҚШда 1961 йилдан «Педагогик технология» журнали чиқарила бошланди. Шунингдек, Англияда «Педагогик технология ва ўқув жараёни» (1964 йилдан), Японияда «Педагогик технология» (1965 йилдан), Италияда ҳам шунга ўхшаш журнал (1971 йилдан) чиқа бошлаган. ЮНЕСКО 1971 йилдан бошлаб таълим бўйича халқаро бюронинг «Педагогик технологиялар» бюллетенини чиқариб келмоқда [12]. Россия Федерациясида эса 1997 йилдан бошлаб «Мактаб технологиялари» журнали таъсис этилди [6;75].

Шуни таъкидлаш лозимки, «педагогик технология»ни «ўқитиш технология» тушунчаси билан алмаштирмаслик зарур. Чунки, педагогик технологияда ўқув жараёнининг аниқлаштирилган ўқув мақсадларини белгилашдан бошлаб, то якуний ўқув натижаларга эришилганликни назорат қилишгача бўлган жараёни лойихаланади.

Э. Френье (1998) «услуг» тушунчаси конструктив характерга эга бўлмаганлиги учун, унинг ўрнига «технология» тушунчасини таклиф этган. Демак, ўқитиш технологиялари (муаммоли ўқитиш, ривожлантирувчи таълим, модулли ўқитиш, дидактик ўйинлардан фойдаланиш ва х.к.) педагогик технология бўйича лойихаланган ўқув жараёнини амалга оширишнинг турли дидактик конструкциялари сифатида намоён бўлади.

Педагогик технологиянинг туб мохияти, ўқитишнинг анъанавий оғзаки баён қилиш усулидан воз кечиб, талабаларни кўпроқ мустақил таълим олишга ундашдан иборат. Бунда ўқитувчи талабалар билиш фаолиятининг бошқарувчиси, маслахатчи, якуний натижага йўлловчи шахс вазифасини бажаради.

Педагогик технологиянинг самарадорлиги шундан иборатки, унда турли ўқитувчилар муайян фан (мутахассислик бўйича) бир хил (деярли бир хил) якуний натижага эришиш имкониятига эга бўладилар. Бу эса барча ўқув юртларига ягона Давлат таълим стандарти талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш вазифаси юклатилган hozirgi даврда биз, Ўзбекистонлик педагоглар учун нихоятда муҳимдир. Барча

ўқитувчилар қандай қилиб деярли бир хил натижага эришишлари мумкинлигини, яъни ўқув жараёнини такрорланувчанлигини таъминлашни тушуниш учун мулоқотни давом эттирамиз.

Жахон педагогикаси фани узоқ вақт давомида илмий-техник тараққиёт таъсирида - психология, кибернетика ва бошқарув назариялари ҳамда бошқа фанлар эришган ютуқларни умумлаштирган ҳолда, инсон ресурсларини самарали ривожлантириш ва фаол инновацион жараёнларни бошидан кечириш даврида бўлиб келди. Бу - фан, педагогик илмий назариялар ва бой амалий тажрибаларни ўзида мужассамлантирган ҳолда, ўтган асрнинг ярмигача бўлган даврда бирорта буюк педагог, бошқалар ҳам улардек юқори натижаларга эришадиган, яъни такрорланувчан педагогик циклни ярата олмадилар. Бизнингча, бунинг сабаби, яратилган илғор услублар, уларнинг муаллифлари шахсига кўп жихатдан боғлиқ бўлган. Шунинг учун ҳам, уларнинг издошлари муаллифлардек юқори даражадаги машғулотлар ўтказишга муваффақ бўлмаганлар. Чунки, психология фани тасдиқлаганидек, ҳар бир шахс такрорланмасдир. Шунга қарамасдан, собиқ иттифоқ педагогик амалиётида илғор тажрибаларни оммалаштириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кўп уринишлар бўлиб ўтди. Мавжуд ўқув жараёнини такрорланувчан хусусиятга эга эмаслиги, ўз даврида А.С.Макаренко томонидан танқид қилинганлигини биз юқорида келтирган эдик.

Ишлаб чиқаришда натижаси кафолатланган, лекин ижрочилар шахсига боғлиқ бўлмаган жуда кўп технологик жараёнлар яратилган. Саноатдаги буюмнинг ишчи чизмаси ва йиғиладиган бирикмалар чизмаси технологик жараённинг асосини ташкил қилади. Уларнинг талабларини аниқ бажариш натижасида буюмларни ўзаро алмашувчанлигини, технологик жараён операциялари эса такрорланувчанлиги, яъни такрорланувчан технологик циклни ташкил қилиши таъминланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда, Жанубий Корея ва Туркиядагидек, улардаги билан бир хил сифат кўрсаткичларига эга бўлган енгил

автомобиллар ва кичик автобуслар ишлаб чиқарилмоқда.

Такрорланувчан педагогик жараёни яратиш, ишлаб чиқаришдагига нисбатан анчагина мураккаб жараён бўлиб хисобланади. Ўқув (ўқув-тарбиявий) масалаларни турли туманлиги, таълим мазмуни ва ўқув материалнинг турлича эканлиги, билимларнинг ўзлаштирилишини талабаларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқлиги ва бошқа омиллар бунга тўсқинлик қилади. Ўқув жараёнини такомиллаштириш мақсадида яратилган барча услуб, шакл ва моделлар фақат ўз эгаси кўлидагина юқори самара беради.

Шундай бўлса ҳам, ўқув жараёнига ягона, самарали ёндашишни яратиш бўйича изланишлар олиб борилганлиги натижасида АҚШнинг буюк педагоглари Б.Блум, Д.Кратвол, Н.Гронлунд, Ж.Кэррол, Ж.Блок, Л.Андерсен ва бошқаларнинг изланишлари натижасида такрорланувчан ҳамда яқуний натижани кафолатлайдиган педагогик технология яратилди.

Унинг мохияти ўқув мақсадининг аниқлиги ва унга эришиш учун талабанинг қатъий белгиланган кетма-кетлик бўйича, ҳар бир ўқув бўлагини (модулини) ўзлаштириб, мустақил фаолият кўрсатишидан иборат бўлади. Илмий тадқиқот натижаларини кўрсатишича, фақат узлуксиз маъруза ўқилганда, талабалар материални атига 5 фоизини ўзлаштирадилар, бир-бирини ўқитиш ва мустақил ўрганишда эса бу кўрсаткич 90 фоизни ташкил қилар экан (Халқ таълими. 1999. №4 - 9 бет.).

Шундай қилиб, педагогик технологиясининг предмети ўқув жараёни ва профессионал тайёргарлик тизимини лойихалашдан иборат. Тизимли ёндашиш ўқитиш тизимининг барча асосий томонларини - мақсадни аниқлаш ва ўқув жараёнини лойихалашдан тортиб, то янги ўқитиш тизимининг самарадорлигини текшириш, уни синовдан ўтказиш ва оммалаштиришгача бўлган жараёни ўз ичига олади. У ўз ҳаракат тартибларини такрорланувчанлиги ва уларни тўла ўқув жараёнига тадбиқ этиш ғояси, оқибат натижада, бу жараёни «жонли ўқитувчига» боғлиқ бўлмай қолишига олиб келади. Ҳақиқатан ҳам, агар ўқув жараёни тўла

такрорланувчан, алохида кўриниш (эпизод)ларга бўлинса, ўқитувчининг вазифаси олдиндан тузилган (ўзи тузган бўлиши шарт эмас) материал билан ўқишни ташкил этишда ташкилотчи ва маслахатчи ролини ижро этишдан иборат бўлиб қолади.

Ўқитишга технологик ёндашиш мантиғида икки хил ғоя ётади: 1) ўқув жараёнини тўла-тўқис ўргатувчи машиналарга ўтказиб, унда асосий рол ўйнайдиган ўқитувчини тўла озод қилиш ёки, 2) унинг фаолиятини ташкил этиш ва маслахат бериш функциялари билан чегаралаш. Бу ҳолда ўқитувчи жуда юқори малакага эга бўлиши ҳам шарт эмас. Ўқитувчини «идеал ЭХМ» билан бутунлай алмаштириш ғоясини педагогик технология тарафдорлари турлича қабул қилганлари ҳолда, иккинчи ғоя кўпчилик томонидан маъқулланди ва унга амал қилинмоқда. Шунинг учун ҳам, ўқитиш мазмуни ва жараёни бўйича мутахассислар гуруҳи томонидан ишончли бўлган ўқитиш тизимларини режалаш, яратиш ва уларни қўллашга тайёрланган шароитда, ҳатто «ўртача» ўқитувчи ҳам юқори натижаларга эришиши мумкин. Бу ерда ўқитувчи намунавий (фирменний) дидактик лойихани амалга оширувчи ижрочи сифатида қаралиб, унинг шахси ва малакаси муҳим рол ўйнамайди.

В.П.Беспалко таъкидлаганидек: - Педагогик технология - бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда, педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган, талаба шахсини шакллантириш жараёнини ифодалаш - лойихалашдир [11].

Ўқитишнинг мавжуд услублари кўп ҳолларда ўқув жараёнини ташкил этиш ва олиб боришга оид тавсиялар мажмуидан иборат бўлса, педагогик технология бундан фарқли ўлароқ: биринчидан якуний натижани кафолатлайди, иккинчидан эса бўлажак ўқув жараёнини ҳам лойихалайди.

У.Н.Нишоналиев ва Б.Л.Фарберман таъкидлаганларидек, (2003 й) «педагогик технология ўқув мақсадларнинг аниқ белгиланиши, якуний натижани кафолатланиши, ўқув жараённинг такрорланувчанлигини таъминлаши ва тезкор қайтувчан алоқанинг мавжудлиги билан

характерланади»

Бундай умумий тасвирлашда технологик ёндашишнинг ўзига хос белгилари сезилмаётганга ўхшайди. Ҳақиқатда ҳам умумий мақсад ва мазмун ҳар доим аниқланади, ҳар қандай таълим жараёнининг мақсади белгиланади ўқитиш натижаси ҳар доим ҳам баҳоланади. Лекин бу схемадан ҳам анъанавий ўқитишга хос бўлмаган белгини - ўқув мақсадларининг аниқлаштирилиши, ўқув жараёнига ва мақсадларига, унинг натижасига қараб тузатишлар киритиш ва изчил қайтувчан алоқанинг мавжуд эканлигини кўриш мумкин. АҚШда яратилган педагогик технологияни барча ривожланган мамлакатлар қабул қилди ва у халқаро миқёсда нуфузли ташкилотлардан ҳисобланган ЮНЕСКО томонидан маъқулланди. 1996 йилда ЮНЕСКО раҳбарлигида Иерусалим (Исроил) университетиде педагогик технологияга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Бунда АҚШ, Англия, Германия каби ривожланган мамлакатлар билан бирга, Коста-Рика, Филлипин Республикаси, Туркия ва Мальта вакиллари ҳам педагогик технологияни жорий қилиб юқори натижаларга эришаётганларини маълум қилдилар.

Ҳақиқатан ҳам, АҚШда яратилган ва ЮНЕСКО томонидан маъқулланган педагогик технологияни жорий этаётган жаҳондаги 30 га яқин мамлакатлар ўқув жараёнида АҚШдагига нисбатдан жуда яқин натижаларга эришмоқдалар. Хусусан, Жанубий Кореяда педагогик технология бўйича ўқитилган 50000 талабанинг 75 фоизи анъанавий усулда ўқитилганда фақат энг юқори ўзлаштирувчи талабаларгина эриша оладиган кўрсаткичларга эга бўлганлар. Баъзи мамлакатларда эса бундай талабалар улуши 80-85 фойизни ташкил этади [4,6].

АҚШ, Буюк Британия ва бошқа ривожланган мамлакатларда ўқитиш мақсадлари педагог ва ўқувчи учун алоҳида қўйилади.

Мақсадлар педагогик технологияга доир (ўргатиш, тушунтириш, кўрсатиш, маъруза қилиш) бўлиши мумкин. Режалаштирилган натижалар шундай бўлиши лозимки, дарсдан олдин талаба нимани билмас эди,

дардан кейин нимани ўрганди.

Педагогик адабиётда педагогик технологияда берилган бошқа таърифлар (В.Беспалько, В.Гузеев, В.Сластенин, Б.Лихачев, И.Волков, М.Чошанов, М.Кларин, И.Лернер, Ч.Юдин ва бошқалар) ҳам келтирилади, аммо уларнинг биронтаси ЮНЕСКО таърифи даражасига кўтарила олмаган. Айтиб ўтилган олимлар орасида педагогик технология тўғрисидаги ахборотни МДХ мамлакатлари, жумладан Ўзбекистонда тарқалишида В.П. Беспалко ва М.В. Кларинларнинг таъсири кучлироқ С.В.Кларин педагогикадаги технологик таркибий тузилиши ва мазмуни тўғрисида бирмунча тўлароқ маълумотларни эълон қилган.

Педагоглар фаолиятинини баъзида «педагогик технология» тушунчаси билан фойдали бўлсада, аввал ўзлаштирилган ва технологик қурилмаган ўқитиш услублари аталади. Аслини олганда педагогик технология – бу ўқитишга ўзига хос бўлган янгича (инновация) ёндашувчидир. У педагогикадаги ижтимоий мухандислик тафаккурининг ифодаланиши, демократик илмий онгнинг педагогика соҳасига кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандартлашувчи ҳисобланади.

Фикримизча педагогик технология укув жараёнини рўёбга чиқариш давомида турли ўқитиш услубларидан фойдаланишнинг меъёрларини белгиловчи йўлланма, гўёки қолип сифатида кўриш мумкин.

«Технология» атамаси орқали ашё ёки ярим хомашёни тайёр маъхсулотга айлантириш учун ҳолати, шакли, хоссаси, хусусиятларини ўзгартириш усуллари тушунилади ва у моддий ишлаб чиқариш соҳасига таълуқлидир. Шу боис интеллектуал соҳага тегишли педагогнинг таълим тарбия фаолиятини «технологиялаштириш» мумкинми деган савол туғилиши табиийдир.

Ишлаб чиқариш соҳасидан кўчирилган ва одамлар интеллектуал фаолиятининг айрим қисмларини алгоритмлаш каби акс жараён ҳаётга кириб келди. Бу эса педагогик назария ва амалиётда янги йўналишлар пайдо бўлишига олиб келди.

Педагогик технология кўп жихатдан ўтмишдаги машхур педагогларнинг орзуларига мос келди. Дидактиканинг асосчиси Ян Амос Коменский 17 асрдаёқ таълимнинг «вақт, фанлар ва услубларни моҳирона тақсимлашдан» бошқа нарсани талаб қилмайдиган умумий тартибини топишга ҳаракат қилди. Коменский фикрича идеалда ўқитишнинг ягона мукамал услуби топилса, «ҳамма нарса тошлари тўғри мувозанатланган соатдек аниқ, фақат ана шундай маҳорат билан яратилган асосда эришиш мумкин бўлган беҳатолик билан илгарилайди».

Жаҳон педагогика фани илмий техника тараққиёти таъсирини бошидан кечириб, психология, кибернетика тизимлар назарияси, бошқарув назарияси ва бошқа фанлар ютуқларини бирлаштириб ҳозирги даврида фаол янгилашни жараёнлари босқичида турар экан, инсон имкониятлари самарали ривожлантириш амалиётига бой маъсул бермоқда.

Педагогик технология услублари ўзининг бошланғич маъносида дастлаб ўқитишнинг ҳаракатни намунавий вазиятдаги (белгиланган қоида бўйича) ўзлаштириш талаб этиладиган маҳсулдор (репродуктив) даражаси учун ишлаб чиқилган эди. Репродуктив таълим ҳар қандай таълимнинг зарур таркибий қисми ҳисобланади, у инсоният жамғарган тажрибани аниқ ўқув фани доирасида ўзлаштириш билан боғлиқ. Таълим олувчиларда билим ва кўникмаларнинг маълум «пойдевори» ҳосил қилингандан кейингина таълимнинг натижали (продуктив) ва ижодий ёндошиш услубларига ўтиш мумкин, булар учун Р.Ганпе, Л.Бригтс (АҚШ), А.Ромишевски (Буюк Британия) ва В.Гузеев (Россия) педагогик технология муқобилларини ишлаб чиққанлар.

Педагогик назариялар жамланмаси бўлган педагогикада катта ҳажмдаги назарий билим ва амалий тажриба тўпланган, аммо XX асрнинг ярмига қадар машхур педагоглардан биронтаси ҳам издошлари учун худди ўзлари сингари машғулоти юқори даражада ўтказишларига имкон берадиган педагогик йўналишни (циклни) ишлаб чиқмаган. Сабаби, балким ўтмишдаги машхур педагогларнинг услубларида педагог шахсини кўпроқ

инобатга олинган бўлса керак. Издошлардан нимадир яхшироқ чиққан аммо умуман олганда натижа асосчиларникидек бўлмаган.

«Бизнинг педагогик ишлаб чиқаришимиз – ёзган эди А.С.Макаренко, - ҳеч қачон технологик мантиқ асосида қурилмаган, у доимо ахлоқий тарғибга асосланган. Айнан мана шунинг учун ҳам бизда ишлаб чиқаришнинг барча муҳим бўлимлари: технология жараёнини, иш бажарилишини ҳисобга олиш, яратувчилик (конструкторлик) иши, мосламаларни қўллаш, назорат, ишга тушириш, яроқсизга чиқариш – деган тушунчалар йўқ».

70-80 йилларда АҚШ да юзага келган педагогик технология оқими деярли барча ривожланган мамлакатларга тарқалди, ЮНЕСКО каби нуфузли ташкилот томонидан тан олинди ва қўллаб – қувватланди ва ҳозирги кунда кўп мамлакатларда мувофақиятли ўзлаштирилмоқда.

1996 йилда Иерусалим университетида ЮНЕСКО хомийлигида педагогик технология бўйича халқаро анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда педагогик технологияси ёрдамида эришилган мувоффақиятлар тўғрисида нафақат АҚШ, Буюк Британия Германия вакиллари, балки Коста-Рика, Филлипин, Туркия, Малта вакиллари ҳам маъруза қилдилар. ЮНЕСКО нинг навбатдаги анжумани 1997 йили Манило шаҳрида 1998 йили Канадада ўтказилди.

Кўпгина мамлакатлар ўқитишда технологик ёндашувдан фойдаланиб, ўқувчилар ўзлаштиришини оширишда сезиларли мувофақиятларга эришдилар. Масалан, Жанубий Кореяда педагогик технология бўйича синов – тажриба тарзида ўқиётган 50 минг боладан 75 фоизи анъанавий ўқитишда фақат энг яхши ўқувчилар эришадиган натижалар қўлга киритилган. Бир қатор бошқа мамлакатларда ўтказилган тажрибалар ўқитишнинг бу тизимини қўллаш ўртача ўқувчига анъанавий ўқитишда 80-85 фоиз ўқувчилар эришадиган натижадан юқорироқ натижага эришиш имконини беришини кўрсатди.

Педагогик технологияни ўзлаштириш Сингапур, Корея ва Японияга 9-13 ёшлик ва битирувчи синф ўқувчилари ўртасида математика бўйича 3 та юқори ўринни эгалаш имконини берди.(ТИМСС учинчи халқаро математика ва илмий тадқиқотлар маълумотига кўра).

Педагогик технологияни ўзлаштириб олган моҳир педагоглар учун мазкур усулнинг анъанавий усулга кўра самаралироқ эканлиги маълум бўлди. Бу эса мактаб педагоглари, касб-хунар ва олий мактаб профессор-ўқитувчилари учун кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда педагогик технологияни ўзлаштириш ва амалга қўллаш зарурлигини билдиради. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида» янги педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиб, талабаларни ўқитишни жадаллаштириш кўзда тутилган.

Педагогик технологияни ўзлаштириб олган моҳир педагоглар учун мазкур усулнинг анъанавий усулга кўра самарали эканлиги маълум. Бу эса мактаб педагоглари, ўрта махсус, касб— хунар ва олий мактаб профессор—ўқитувчилари учун кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда педагогик технологияни ўзлаштириш ва амалга қўллаш зарурлигини билдиради. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида "янги педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиб, талабаларни ўқитишни жадаллаштириш" кўзда тутилган

Маълумки, педагогикада талабаларнинг таълим жараёнидаги фаоллигини оширишга қаратилган бир неча ўқитиш услублари ишлаб чиқилган; муаммоли ўқиш, иш фаолиятини ифодаловчи ўйинлар, роллар бажариш, мавзувий ўқитиш ва хоказо. Аммо улар олий таълим тизимида кенг қўлланилади деб булмайди. Бизнинг фикримизча бунинг сабаби ҳар бир машғулотга тайёргарлик педагогик изланишни кўзда тутиши, юксак касбий маҳоратни, ижодий ёндошув ва кўп вақти сарфлашни талаб қилишида бўлса керак. Одатда, ҳар бир бундай машғулот сценарийси ўзига хос хусусиятга эга ва такрорланмасдир.

Тубдан фарқ; қилувчи таълим турларини кўриб чиқамиз; оғзаки - кўргазмали, технологик ва изланувчан-ижодий. Аввало уларнинг умумий жихатларини таққослаймиз, кейинчалик эса бошқа маърузаларда педагогик технология тушунчалари билан чуқурроқ танишамиз.

У анъанавий бўлиб ва асосан ўқитувчининг ахборот бериши, талабаларнинг билимини қабул қилиши, тўплаши ва хотирасида сақлаш билан белгиланади.

Шу билан бирга, К.Г.Маркварт (1981) фикрига кўра, "билим" тушунчасининг асл мохияти хотирада сақланувчи ахборот сифатида қаралади. Бундай билимлар, уларнинг кўллай олиш кўникмалари орқали текшириб кўрилади (имтихонларда), яъни ҳеч қандай қўлланмасиз хотирадаги билимларни туғридан—туғри саволларга жавобан ифода этиб, Бу тизимдаги билимлар — асосан эса сақлаб қолиш натижаси, кўпинча расмий маълумотдир. Улар хотира тубидан юзага келтириладиган ёки бошқа сўз билан айтганда, фақат унга қаратилган тўғридан—тўғри савол қўйилганда эса олинади. Қайта эса олиш даражасидаги билим узоқ вақт хотирада сақланмайди. Керакли пайтда қийинчилик билан эса олинади, айрим ҳолларда эса умуман эса олиб бўлмайди.

Маълумот бериш тизимида тайёр билимларни "ўқитувчи талабаларга", бу билимларга уларнинг эҳтиёжи ва фаоллик даражаси боғлиқ бўлмаган ҳолда, бевосита бериш мумкин бўлган имкониятидан келиб чиқишади. Шунга кўра ўқитувчининг асосий вазифаси зарурий ахборотни маълум қилиш ва уни хотирада мустаҳкамлаш устида ишлатишдир.

Бундай ўқув жараёнида ўқув предмети соатлар миқдори, маъруза, лаборатория ва амалий маштулотлар оралигидаги соатлар тақсимоти, дарс ўтиш жойи катъий белгилаб олинади. Лекин педагог масъулиятига тегишли таълим натижаси деярли ҳисобга олинмайди.

В.Гузеевнинг таъкидлашича (2001), анъанавий услубда таълим мақсадлари дастур талабларига мувофиқ ҳолда ноаниқ тасвирланиб, таълим олувчиларнинг "ўзлаштириш" тушунчаси қобигиға ўралган қандайдир

ноаниқ тасаввур билан тавсифланади. Кўпроқ ютуқларга эришган ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини умумлаштириш асосида таълим жараёнлари ташкил этилади ҳар бир аниқ вазият учун илғор ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти намунаси қидирилади, аммо таълимнинг бир катор олимлари ва амалиётчилари алоҳида услубиётларнинг даври ўтганлигини ва ҳар қандай илғор педагоглар тажрибаларини умумлаштириш (агар умуман ноёб ҳодисаларни умумлаштириш мумкин бўлса) тизимли ва мақсадга йўналтирилган гаровланган, самарали таълимни кўриш имконини бермаслигини қайта-қайта таъкидлаш мумкин.

Қайд этиш жоизки, анъанавий укув жараёнида технологик ёндашувни тулалигича эмас, балки айрим қисмларини қўллаш (уларни ўзлаштирилганлиги ва тегишли услубий таъминотнинг тайёрлигига қараб) мумкин. Бу, энг аввало, педагогик технологиянинг ядроси, маркази ҳисобланган алоҳида ўқув мақсадларини аниқлаштириш усулларига тегишлидир.

ЮНЕСКО ҳужжатларидан бирида «Биз янгилик таълим тизимини яхшилаш мақсадида уни онгли ва мўлжаллаб ўзгартиришга уринишни ёйлатирилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Янгилик албатта янги бўлиши шарт, бироқ у албатта нима биландир яхшироқ ва ўз ўзидан намоён этилиши мумкин бўлади» - деб кўрсатилган. Шундай қилиб, биз ўз ишларимизда «инновация» («янгилик») тушунчаси орқали ўқув-тарбия жараёнини яхшилаш ва такомиллаштиришга йўналтирилган дидактик, методик, ташкилий-техник ўзгаришларни тушунамиз. Технологик ёндошув доирасида яратилган дидактик лойihalаш усулларига бўлган муносабатингиз ўқув жараёнини самарали ва шу билан бирга ўқув жараёнини ижодий режалаштириш, янги фикрлар билан бойитиш, уларнинг натижаларини баҳолашга ёрдам беради. Дарсликлар яратувчи муаллифлар ҳам педагогик технология асосида ўташининг хусусиятларини ҳисобга олишлари жуда муҳимдир Қайд этиш жоизки, анъанавий укув жараёнида *технологик*

ёндашувни тўлалигича эмас, балки айрим қисмларини қўллаш (уларни ўзлаштирилганлиги ва тегишли услубий таъминотнинг тайёрлигига қараб) мумкин. Бу, энг аввало, педагогик технологиянинг ядроси, маркази ҳисобланган алоҳида ўқув мақсадларини аниқлаштириш усулларига боғлиқдир. Юқорида келтирилган айрим таърифларнинг ўзаро ҳар хиллигидан кўринадики, педагогик технология тушунчаси кўп қиррали бўлиб, унга педагогик, психологик, дидактик, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа нуқтаи назарлардан ёндошиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз Мева- сабзавотчилик фанини ўқитишда янги технологиялардан фойдаланиб дарс ўтиш жараёнига қўллаш юзасидан битирув малакавий иши учун тадқиқотлар олиб бордик.

3. ИЛГОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ УЗЛУКСИЗ РИВОЖЛАНИШИ

3.1. Илгор педагогик технология ва унинг тамойиллари

Таълимни технологиялаштириш ғояси янгилик эмас. Бундан 400 йил аввал чех педагоги Ян Амос Коменский таълимни технологиялаштириш ғоясини илгари сурган. У таълимни “техникавий” қилишга ундаган, яъни ҳамма нарса нимага ўқитилса, муваффақиятга эга бўлсин. Натижага олиб келувчи ўқув жараёнини, у “дидактик машина” деб атаган.

Бундай дидактик машина учун аниқ қўйилган мақсадлар; бу мақсадларга эришиш учун, аниқ мослаштирилган воситалар; бу воситалар билан қандай фойдаланиш учун, аниқ қоидаларни топиш муҳимлигини ёзган.

Таълим назарияси ва амалиётида ўқув жараёнига технологик хусусиятни бериш учун 50-йилларда биринчи уринишлар қилиб кўрилган. Улар ўз ифодасини анъанавий ўқитиш учун мажмуали техник воситаларни яратишда топган.

Ҳозирги вақтда “педагогик технология ўқитишнинг техник воситалари ёки компьютерлардан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлардек қаралмайди, балки бу таълим самарадорлигини оширувчи омилларни таҳлил қилиш, ишлаб чиқиш ҳамда усул ва материалларни қўллаш, шунингдек қўлланилаётган усулларни баҳолаш йўли орқали таълим жараёнининг асослари ва уни мақбуллаштириш йўллари ишлаб чиқишни аниқлаш мақсадидаги тадқиқотдир”.

Барча таълим ва тарбия ишларини педагогик технология йўлига ўтказиш, мактаб амалиёти педагогик жараёнини ихтиёрий қуриш ва уни амалга оширишдан кескин бурилиши қуйидагиларни аниқлатади:

➤ унинг ҳар бир қисм ва босқичларининг изчил асосланганлиги (таълим жараёнини тартиблаштириш - батафсил аниқланган ва асосланган, ишларни маълум тартибидан ташкил топган қисмлар - мулоқот, ахборот ва

бошқарувнинг йўл ва воситаларини бўлиш орқали мумкин қадар расмийлаштирилган);

➤ якуний натижани ҳаққоний ташхис қила олишга йўналтирилганлиги;

➤ таълим жараёнига мавжуд шароит ва белгиланган вақт ичида қўйилган таълимий мақсад ҳамда ижобий натижага эришишни таъминлайдиган ишлаб чиқариш технологик жараёнининг мукамал, аниқ йўлга қўйилган, изчил, мувофиқлашган хусусиятини бериш;

➤ унинг самарадорлиги ва инсон имкониятлари (куч, вақт)ни мақбуллаштириш мақсади билан бутун таълим жараёнини бошқарувчанлиги.

ХВИИ асрда Ян Амос Коменский, шундай таълим механизми, яъни уни “дидактик машина” деб номлаб, унинг устида изланиш олиб борган.

30-йилнинг ўртасида АҚШнинг Индиана университетида талабаларга эшитиш ва кўриш (аудиовизуал) таълими бўйича маърузалар ўқилган, 1946й. шу ернинг ўзида эшитиш ва кўриш таълими бўйича мутахассисларни тайёрлаш курси: ишлаб чиқаришни режалаштириш, эшитиш ва кўриш воситаларни ишлатиш ва улар сифатини баҳолаш, шу воситаларни қўллаб ўқув жараёнини бошқариш дастурлари киритилди.

1954й. - профессор Б.Ф. Скиннер томонидан ишлар тақсимооти (мавзу-қадам-ходимлар) бўйича ўргатишнинг мунтазамли технологиясини ўзида намоён этувчи, дастурлашган таълим модели (ДТ) асосланди. Қайтар алоқани назарда тутувчи: ҳар бир бажарилган ишнинг тўғрилигини тезкор баҳолаш ва агар кейинги қадамга хатолик бўлса қайтариш деб таъкидлаган

1958й. – Н.Краудер бир қатор берилган жавобларни тўғрилигига боғлиқ равишда қайтар алоқага мувофиқ жавобларни кўп танлаш ДТнинг кенгайтирилган чизмасини таклиф этди.

Таълим технологиясини илмий асоси ахборот, телеалоқа назарияси, педагогик квалиметрияси, тизимли таҳлил, билиш жараёнини бошқариш назарияси, таълим жараёнини қулайлаштириш, педагогик меҳнатни илмий

ташқиллаштириш ва бошқалар.

Эшитиш воситаларининг янги турлари: видеомагнитофон, айланмали кадропроектор, электрон ва блокнотли ёзув тахтаси ва бошқалар чиқара бошланди.

Таълим технологияси муаммолари бўйича Халқаро анжуманларда таълим технологиясига умумий моҳият таклиф этилди.

таълим технологияси қўлланиш соҳаси - (1) ўқитишнинг техник воситалари, (2) маълумот олиш муаммоларига тизимли ёндашиши. “Биринчи соҳа ўқитиш воситаларида техника ютуқларини амалга ошириш билан, иккинчи соҳа эса, педагогик назарияни ривожланиши билан, уларни ташқиллаштиришнинг умумий назарияси бирлаштирилиши лозим бўлган иловага боғлиқ, яъни таълим муаммоларига тизимли ёндашишдир ”.

П.Д. Митчел (1970 й.) таълим технологияси бўйича 102 манбаларни таҳлил этиши натижасида таълим технологияси маъноси ва педагог-технологлар вазифаси асосини шакллантиради: “Кутилаётган педагогик натижаларни олиш учун инсон, моддий ва молиявий манбаларни мақбул тақсимлаш”.

“таълим технологияси муаммоларининг назарий тадқиқотларини ишлаб чиқувчи оқим, моҳир технологларнинг янги авлоди пайдо бўлди” (М. Эраут).

“Фақат содда одамларгина, технологияни - фақат мосламалар ва ўқув материаллар мажмуи деб ҳисоблайдилар”. Бу бундан кўпроғини ангалатади. Бу ташқиллаштириш йўли, бу материаллар, инсонлар, ташқилот, моделлар ва тизим туридаги “инсон-машина” тўғрисидаги тасаввур. Бу муаммонинг иқтисодий имкониятларини текшириш. Бундан ташқари, технология фан, санъат ва инсон қадри ўзаро ҳаракатига муҳим алоқага эга.

“Таълим воситасининг синоними ҳисобланмасдан, у фанлараро хилма-хил тасодифлар йиғиндиси, таълимнинг барча жиҳатлари билан боғлиқ бўлган, қисқа таълимий лавҳадан то унинг барча ҳаракатларидаги миллий тизимлари ҳисобланади” – Д. Финн, Лондон, 1978.

80-йилларда таълим технологияси тўғрисида Россия олимларининг биринчи нашрлари пайдо бўлди: “... хорижий тажрибалар ҳозир бизда яхши маълум бўлмай турибди. Лекин таълим технологияси эшигимизни тақиллатаяпти” (Кларин, 1989)

таълим технологияси муаммоларини: В.П.Беспалько, В.Гузеев, В. Кларин, В. Монахов, Г. Селевко, С. Саидахмедов, Ж. Йўлдошев, С. Усмонов, М. Очиллов ва бошқалар ишлаб чиқдилар

“Педагогиканинг предмети инсон табиати (боғлиқ бўлган) ва ўқув-тарбиявий ҳаракатларининг самараси ўртасидаги қонуниятли муносабатлар ҳисобланади”. Бир қанча услубийлардан “танлаш ҳуқуқи” ўрнига, илмий, табиатга оид педагогика берилган ёки инсон тўғрисидаги аниқ билимлари асосида мавжуд шароитлар учун ҳаракатланишнинг мақбул йўллари оғли лойиҳалашни таклиф этади. Маълумки, муаммонинг бундай берилишида педагогика “тажрибани умумлаштириш” ва “омма ижодкорлиги” ботқоғидан илмий изланиш майдони ва юқори асосли психология – педагогика муҳандислигига ўзгаради. Ушбу матн парчасида таълим технологияси - берилган шароитда педагогик вазифаларга мақбул эришиш йўллари дидир. Берилган шароитда мақбуллик – технологияни ҳаммабоп тизимли белгиси.

“Педагогика учун технология маъносига алоҳида, ҳеч нимага ўхшамайдиганлар, шунингдек унга техник такрорланиш маъносини ўйлаб топишга ҳеч қандай сабаб йўқ. Моҳияти бўйича мавжудлик ва ишлаб чиқаришлик, ижтимоийлик, инсоншунослик ва технология вазифаларини берилишидек қабул қилиш керак” (А.М. Кушнир, 2004 й.).

3.2. Педагогик технология кўринишлари.

“Технология” атамаси педагогика фани томонидан ишлаб чиқариш соҳасидан ўзлаштирилганки, бунда “юқори асосли психология – педагогик муҳандислиги майдони ва ўзгаради” (А.М. Кушнир, 2004 й.).

Технология моҳияти ва вазифаси бўйича инсоншуносийлик, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ижтимоий бор нарсаларни мавжуд бўлишидек қабул

қилиш керак” (А.М. Кушнир, 2004 й.).

Ишлаб чиқариш технологияси: хомашё, материал, ярим тайёр маҳсулотларни олиш, уларни қайта тайёрлаш ёки уларга ишлов бериш йўл ва усулларининг йиғиндиси (технологияни жараёнли-баёнли томони); юқорида кўрсатилган йўл ва усулларни ишлаб чиқувчи ва такомиллаштирувчи илмий фан. Технологияни илм сифатидаги вазифаси, моддий манба ва вақтлар кам сарфлашни талаб этувчи самарали ва тежамкор ишлаб чиқариш жараёнларини аниқлаш ва амалиётда улардан фойдаланишни аниқлаш мақсадидаги қонуниятларни топиш ҳисобланади (илмий томони); жараённинг ўзи – топилмани қазиб олиш ҳаракатлари, ишлов бериш, қайта ишлаш, транспортда ташиш, омборга жойлаш, сақлаш, шунингдек ишлаб чиқаришнинг техник назорати (жараёнли ҳаракат томони). Педагогик илм ва амалиётда “педагогик технология”, “таълимий технология” ва “таълим бериш технологияси” каби атамалар кенг қўлланилиши кузатилмоқда. Шу билан бирга уларни тушунишда алоҳида бўлган ўқиш турлари мавжуд. Авваламбор, аниқ ифодани бериш, уларни нима бирлаштириши, уларни нима ажратиб туришини тушуниш учун “технология” ва унинг келиб чиқувчилари: “технологик жараён”, “технологик ҳаракат”, “технологик харита”, “технологик тартиб” тушунчаларини аниқлаш лозим. Таълимни технологиялаштириш бу ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш асосида таълим мақсадларига эришишнинг энг мақбул йўллари ва самарали воситаларни тадқиқ қилувчи ва қонуниятларни очиб берувчи педагогик йўналишдир

Таълим технологияси: бу мавжуд шароит ва ўрнатилган вақтда белгиланган таълимий мақсад ва кўзланаётган натижаларга кафолатли эришишни воситали таъминловчи, мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг энг қулай йўл ва ўқитиш воситаларининг тартибли йиғиндиси (таълим бериш технологиясининг жараён-баёнли жиҳати); бу мавжуд юзага келган таълимий жараён субъектларининг ҳамкорий ҳаракатлари, ҳақиқий жараён (таълим бериш технологиясининг амалий-жараён жиҳати) тартиби.

3.4. Анъанавий ва ноанъанавий ўқитиш моделлари.

Анъанавий дарс - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган таълим моделидир. Маълумки, анъанавий дарсда таълим жараёнининг марказида ўқитувчи туради.

Анъанавий таълимда кўпроқ маъруза, савол-жавоб, амалий машк каби методлардан фойдаланилади. Анъанавий таълим усуллари қизиқувчанлик, изланувчанлик, ташаббускорлик ва ижодкорликка халал беради. Мажбурлаш, катъий бурч ва мажбуриятлар бизга керакли булган натижаларни йўқка чиқаради. Шу сабаб, кўп холларда самарадорлик паст бўлиб, талабалар таълим жараёнининг пассив иштирокчиларига айланиб қоладилар. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, анъанавий дарс шаклининг ижобий хусусиятларини саклаб қолган холда, унга талабалар фаолиятини фаоллаштирадиган турли хил методлар билан бойитиш талабаларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Буюк Конфуций айтган эди: “Мен эшитаман-у, унутиб қуяман. Мен кўраман-у, эслаб қоламан.

Таълим жараёнининг самарадорлигини белгиловчи омиллар:

| № | Таълим усули | Талабаларнинг ахборотни эслаб қолиш |
|----|--------------------------|-------------------------------------|
| 1. | Маърузалар | 5% |
| 2. | Эшитиб, куриб идрок этиш | 20% |
| 3. | Кургазмали-харакатли | 30% |
| 4. | Мустақил ўқиш | 40% |
| 5. | Амалий машгулотлар | 50% |
| 6. | Интерактив усуллар | 75% |
| 7. | Бахс-мунозара | 90% |
| 8. | Билимларни амалиётда | 100% |

**АНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА
АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМДАН ФАРҚИ**

| Анъанавий таълим бериш | Технологик ёндашувга асосланган таълим бериш |
|---|---|
| 1. Концептуал асослар | |
| <p>Таълим олувчига ёндашиш бўйича назоратли-насихатгўй, эгаллаб бўлин-ган усул бўйича қайта тиклашли, таълим олувчиларнинг ташаббускор-лиги ва мустақиллигини бостирувчи, қатъий ташкил этилган бўйсиниш асосидаги (авторитар) таълим.</p> <p>Ўрта таълим олувчи имкониятлари, уларни ўзлаштириш ва билимларни қайта тиклашларига йўналтирилган таълим.</p> <p>Ўрганиш – эслаб қолиш вазифаси, дарс бериш эса – асосий фаолият.</p> <p>Таълим парадигмаси: таълим берувчи – китоб – таълим олувчи</p> | <p>Шахсга йўналтирилган таълим ва таълимга тизимли – ҳаракатли ёндашишга асосланади. Таълим олувчи шахси – таълим жараёнининг марказий эгаси. Муносабатларнинг инсон-парварлиги ва эркинлиги, ўқишга мажбурлашдан воз кечиш.</p> <p>Табақалаштириш ва индивидуаллаштириш; умумий таълим олувчининг ақлий ривожланиш даражаси ва ушбу фанни улар томонидан ўзлаштирилишини ҳисобга олиш.</p> <p>Ўрганиш–ақлий ривожланиш, мустақил эгаллаш жараёни ва асосийси таълим олувчиларнинг эгаллаган билимларини қўллай олишлари; хусусияти бўйича муаммоли, изланувчан, ижодий.</p> <p>Таълимнинг янги парадигмаси, яъни: таълим олувчи – китоб – таълим берувчи</p> |
| 2. Таълим олувчининг тутган ўрни ва вазифаси | |
| <p>Таълим берувчи таъсиридаги бўйсунувчи объект.</p> <p>Билим –бирдан-бир мақсад.</p> <p>Хато – жазоланади.</p> | <p>Мустақил билиш фаолиятини олиб борувчи, таълим жараёнининг тенг ҳуқуқли субъекти.</p> <p>Билим – шахсий муаммоларни ҳал этиш воситаси.</p> <p>Хато қилишга ҳаққи бор – хатоларда ўрганади</p> |
| 3. Таълим берувчининг тутган ўрни ва вазифаси | |
| <p>Китоб билан бирга, ягона ташаббускор шахс – билиш субъектини назорат қилувчи, асосий билим манбаи: бошқарув органларининг раҳбарлик буйруқларининг бажарувчиси</p> | <p>Таълим олувчиларнинг мустақил билиш фаолиятлари ташкилотчиси, уларнинг масъул маслаҳатчиси ва ёрдамчиси. Таълим олувчиларнинг нафақат БМК назоратини, балки эҳтимолий четга чиқиш ўз вақтида тўғрилаш мақсадида уларнинг таълим берганлик ташҳисини таъминлайди</p> |
| 4. Таълим бериш ва ўрганиш усуллари | |
| <p>Тайёр билимларни оғзаки баён қилиш орқали билдириш. Оддийдан умумийликка индуктив мантиққа, механик эслаб қолишга, қайта тиклаш (ўзгаришсиз қайтариш) баёнига асосланган, намуна бўйича таълим бериш. Натижада таълим олувчиларни сусткашликка, нутқ фаолияти бўшашишигача олиб келади</p> | <p>Муаммоларни излаш, билимларни амалиётда қўллашга йўналтирилган, муаммоли вазиятларни яратиш, фаол билишнинг ижодий тадқиқотчилик фаолиятига асосланган фаол таълим бериш усуллари</p> |
| 5. Таълим бериш воситалари | |
| <p>Таълим берувчи сўзлари, кўргазмали ва техник воситалар. Мураккаб (техник) тилда ёзилган ўқув адабиётлар, шу боис қабул қилишга мураккаб; асосан уй вазифаси учун қўлланилади.</p> | <p>Анъанавий воситалар билан бир қаторда – ахборотли технологиялар. Ўқув материаллар таълим олувчилар томонидан билимларни мустақил излаш учун ишлатилади</p> |
| 6. Таълим беришни ташкиллаштириш шакллари | |
| <p>Оммавий таълим бериш: таълим олувчилар бир-бирлари билан ажралган муносабатда; мустақилликнинг етиш-аслиги.</p> <p>Таълим берувчи фақат педагогик фаолиятни режалаштиради.</p> | <p>Мақсадни белгилаш: якуний ўқув натижаларининг мезонли чекланувчидек, ташҳисий белгиланган мақсадларни кафолатли эришишга йўналтириш; олинган натижалар сифатини ўлчашнинг мезон ва кўрсатмалари мавжуд.</p> <p>Нафақат башорат қилади, балки педагогик фаолиятни лойиҳалайди ва режалаштиради, шу билан бирга ўқув фаолиятининг мазмуни ва</p> |

| | |
|--|--|
| <p>Ўзлаштирилган БМК назорати.</p> <p>Миқдорий баҳо - баҳолаш-мажбу-рийлик воситаси ҳисобланади, таълим берувчининг таълим олувчи устидан ҳукмронлик қуроли бўлиб хизмат қилади: таълим олувчи фаолиятининг якуний таҳлили ва баҳоланиши</p> | <p>тузилишини ишлаб чиқади, таълим олув-чиларни мустақил ўқув-билиш фаолиятларини башорат қилаётганларида, режалаштираёт-ганларида ва ташкиллаштираётганларида уларнинг ташаббусларини оширади ва қўллаб-қувватлайди.</p> <p>Таълим берувчи таълим олувчи билан таълим жараёнини ўқув диалогидек тузади; уларда мустақилликка интилишни ривожлантириш учун, ўзи мустақил таълим олишга тайёргарлик, ўз-ўзини билиши, ўз-ўзини амалга ошириш ва ўз-ўзини тақдим эта олиш қобилиятлари учун шароит яратади.</p> <p>Нафақат БМК назорати, балки таълим берилганлик, ривожланиш, тарбияланганликнинг мониторинги.</p> <p>Таълим берувчи умумий натижани баҳолайди ва таълим олувчи билан ҳамкорликдаги меҳнатларини таҳлил қилади: кўзланаётган натижаларга нима учун эришилмади ёки қисман эришилди</p> |
|--|--|

“Педагогик технология” – педагогик ҳодиса ва таълимни технологиялаштириш соҳасидаги жараёнда қўлланиладиган тушунча.

Таълимий технология” – “таълим олиш шаклларини мақбуллаштиришни ўз вазифалари деб қўювчи, яъни бутун таълим бериш жараёнини ҳамда техникавий ва инсоний манбаларни ҳисобга олган ҳолда билимларни ўзлаштириш ва уларнинг ўзаро ҳаракатини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли усули” .

Фанни ўқитиш услубиёти – таълим тизимида ушбу ўқув фанининг аҳамияти ва ўрнини белгилайди, унинг вазифаларини ва ўқитиш мазмунини аниқлайди, ушбу фан бўйича қўлланилаётган усул, шакл ва ўқитиш воситалари баёнини ўз ичига олади.

Фанни ўқитиш услубиётидан фарқли технология:

- “қандай ўқитиш керак?” деган саволга жавоб бермай, балки аҳамиятли қўшимча бўлган “натижавий қандай ўқитиш ва ўқув жараёнини қандай қилиб энг мақбул ташкил этиш керак? деган саволга жавоб беради;
- аниқ шароитлардан келиб чиққан ва маълум натижага йўналган, аниқ педагогик ғояга лойихаланади;
- таълим олувчилар ва таълим берувчига йўналтирилган дарснинг услубий ишланмаларидан фарқли ўлароқ, таълим олишда уларнинг ўз фаолиятлари ҳисобига ютуқ таъминланишига йўналтирилади.

Услужбейтчидан фаркли ўлароқ педагог-технолог:

- тажриба ўтказмайди: у аниқ белгиланган натижа билан иш олиб боради;
- ажратилган вақт ва мавжуд шароитларда белгиланган мақсадларни амалга оширишда гумон ҳосил қилмайдиган асосланган ўқитиш моделига таянади;
- у ҳаракат қилади, таълимий мақсадлар қўйилганда, аниқ педагогик вазифалар белгиланганда ва кўзланаётган натижалар шакллантирилганда, таълим бериш жараёнининг бориш шароитлари аниқлангандан сўнг ҳаракат қилишни бошлайди.

Анъанавий таълим модели (таълим жараёни марказида педагог бўлган)

Афзалликлари

Маълум кўникмаларга эга ҳамда аниқ маълум тушунчаларни, фанни ўрганишда фойдали. Ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёни ва ўқитиш муҳити юқори даражада назорат қилинади. Вақтдан унумли фойдаланилади. Кучли назорат ва талаб асосида сифат ва самара келиб чиқади. Аниқ илмий-назарий билимларга таянади ўқитувчи шахсига, унинг таълим жараёнидаги иштирокига кучли талаб қўйилади.

Камчиликлари

Талабаларга тайёр билим ва тушунчалар берилади, бу эса мустақил таълим олиш кўникмаларини ривожлантирмайди. Талабалар пассив иштирокчи бўлиб қоладилар ўқитувчининг тўла назорати барча талабалар учун мотивацияни вужудга келтирмайди. Талабалар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга кириша олмайди эслаб қолиш даражаси ҳамма талабаларда бир хил бўлмаганлиги сабабли, гуруҳ бўйича ўзлаштириш даражаси паст бўлиб қолиши мумкин. Мустақил ўрганиш ва ечимлар қабул қилиш учун шароитлар яратилмайди. Механик хотира ишлайди (ёдлаш), фикрлаш эҳтиёжи йўқ. Таълим жараёни авторитар усулда, яъни яқкахокимлик билан бошқарилади.

Но анъанавий таълим методи (таълим жараёни марказида талаба бўлган)

Афзалликлари

Талабанинг ташаббуси кўллаб-қувватланади ўқитиш мазмунининг яхши ўзлаштирилишига олиб келади Тушунчаларни амалиётда кўллаш учун шароитлар яратилади ўқитиш усуллариининг турли хил кўринишлари таклиф этилади Мотивация юқори даражада бўлади ўтилган материал яхши эслаб қолинади. Мулоқотга киришиш кўникмаси такомиллашади ўз-ўзини баҳолаш ривожланади талабалар предметнинг мазмунига, ўқитиш жараёнига ижобий муносабатда бўлади мустақил фикрлай оладиган талабани шакллантиришга ёрдам беради танкидий ва мантикий фикрлаши ҳам ривожлантиради муаммоларни ечиш кўникмалари шакллантирилади

Камчиликлари

Кўп вақт талаб этилади талабаларни ҳар доим кераклича *назорат қилиш имконияти* паст жуда мураккаб мазмундаги материал ўрганилаётганда ҳам ўқитувчи роли паст бўлади “Кучсиз” талабалар бўлганлиги сабабли “кучли” талабалар ҳам паст баҳоланади ёки аксинча.

Ноанъанавий (интерактив) машғулотлар хақида педагогик жараёни ташкил этиш ва замонавий таълим методикаларига қўйиладиган талабларга амал қилишда ҳар бир талабанинг ўзига хос шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Давр талабига жавоб берувчи самарали педагогик жараёни ташкил қилиш, ўқув фаолиятини фаоллаштириш ва мотивлаштириш учун замонавий ва инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш эҳтиёжи туғилди.

Ўқишга иштиёқ, қизиқиш уйғотиш, ўқув жараёни ва фаолиятидан мамнунлик - маълумки, энг яхши натижаларни беради. Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда талабанинг фаоллигини, қизиқиши ва ижодий мустақиллигини оширишга қаратилган замонавий педагогик технологиялар ана шунга кўп жихатдан йўл очади. Ахборот таъминоти кучли, моддий- техника ресурслари турли-туман, таълим оловчиларнинг ўқиш мотивацияси юқори бўлса таълим жараёнининг самараси ва сифати ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

4. МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ФАНИНИ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ.

4.1. “Мева-сабзавотчилик” фанини ўқитиш мақсад ва вазифалари

“Мева сабзавотчилик” фани 5620300- «Ўсимликлар химояси ва карантин», 5620500- «Кишлоқ хўжалик махсулотларини етиштириш сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси» таълим йуналишлари бўйича Бакалавр даража олувчи талабалар учун ўқитилади.

Фаннинг мақсади - мева-сабзавот экинларини ахамияти , кимёвий таркиби, келиб чиқиши , тарқалиши, мамлакатимиздаги ҳозирги ҳолати ва ривожланиши , уларнинг биологик хусусиятларини ва махсулотлар етиштиришни илғор технологияларини ўргатиш.

Фаннинг вазифаси -мева-сабзавот экинларининг ташқи муҳитдаги ҳаётий омилларга муносабатларида, республикада раёнлаштирилган ва истикболлий навлар хусусиятларини, махсулотларни етиштириш тартиб ва қоидаларни, уларни ташкиллаштириш усулларини ўзлаштириш.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, ўқувига ва кўникмаларига, ДТЦга мувофиқ кўйиладиган талаблар.

Бакалавр :мева-сабзавот ўсимликларини турлари, ботаник ва марфологик тузилиши, таърифи: мева-сабзавот экинларининг биологик асослари ва ўсимликларнинг ҳаётий омилларига таълаблари: мева-сабзавот ўсимликларини экстремал шароитларга муносабати:

Ўсимликларга хос ҳаётий омилларни муофиқлаштириш йўллари ва тадбирлари: мева-сабзавот экинлари махсулотларнинг етилиши ва уларни йиғиштириш технологиялари ҳақида тасавурга эга бўлиш керак.

мева-сабзавот ўсимликларини турларига кўра гуруҳларга ажратиш мева-сабзавот экинларининг агробиологик хусусиятларига оид тушунчалар мева-сабзавот экинлари турлари ва навлари хусусиятларига кўра республика мингтакавий шароитларига мувофиқ жойлаштириш шартлари: мева-сабзавот экинлари тури ва навига мувофиқ махсулот етиштириш технологияларини ташкил қилиш бойитиш ва кўллай олиши лозим.

Мева-сабзавотчилик тармоқларининг умумий дехкончиликда фаркланувчи, ўзига хос ишлаб чиқариш хусусиятлари ишлаб чиқариш учун зарур қишлоқ хўжалик техникаси, энергия манъбалари, ёрдамчи асбоб анжомлар мажмуаси ва улардан фойдаланиш юзасидан кўникмаларга эга бўлиш керак.

Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси. Фанни мукамал ўзлаштириш учун талабалар қуйидаги фанлар бўйича чуқур тушунчага эга бўлишлари керак: Ботаника, ўсимликлар физиологияси ва микробиология, тупрокшунослик, агрохимия, дехкончилик, мелиорация ва қишлоқ хўжалигида механизациядан фойдаланиш, ўсимликларни касаллик ва зараркурандалардан химоя қилиш. Фанни ўқитишдаги янги технологиялар.

Ушбу фанни ўрганишда талабалар билимини ретинг усулида аниқлаш учун кампьютерларни қўллаш, техник воситаларда ва замонавий инфор­мацион технологиялардан кенг микёсида фойдаланилади .

Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий курсатмалари. Мева-сабзавотчилик 3-босқични 5- семестрида ўтилади.

«Мева-сабзавотчилик»ка оид дарсликлар, амалий машғулот ва лаборатория ишлари кўрсатмалари, маъруза матнлар. Умумий ҳажми-190 соат, шундан: маърузалар- 36, амалий машғулот- 60 соат, мустақил таълим - 94 соат .

4.2. “Мева сабзавотчилик” фанининг мазмун-моҳияти

1- Мавзу: Қирши. Мева- сабзавотчилик фанини ахамияти, хусусиятлари ва ривожланиши, ўсимликларни биологик асослари

Сабзавотчилик тушунчаси, экинлари, халқ хўжалигидаги ахамияти, соҳанинг вазифаси ва ўзига хос хусусиятлари, тармоқлари ва ўзаро боғланишлари. Сабзавот экинларининг ўсиши ва ривожланиш хусусиятлари, харорат, ёруғлик, сув, озика моддалар, газ-хаво режимлари ва ички тайёргарлик хоссалари. Ўсиш-ривожланиш босқичлари, бемаврут гулпоялаш ва ўжарлик хусусиятлар. Хаётий эдафик, биотик, антропоген ва мужассам бевосита, билвосита омилларни ўсимликлар талабларига мослаштириш йуллари. 2соат

2- Мавзу:Химоя қилинган жой сабзавотчилиги, уни вазифаси, уни турлари ва тузилиши

Химояланган жой сабзавотчилиги таърифи, ахамияти, вазифаси, турлари ва тузилишлари, хусусиятлари, қурилиш ашёлари, кўлланиш муддатлари, иситиш воситалари, кўллаш усуллари. Химояланган жойларда усимликлар учун хаётий омилларни яратиш, созлаш усуллари, керакли ашёлар, микроиклим шароитларни бошқариш ва ўсимликлар талабларига мувофиқлаштириш йуллари. 2соат

3- Мавзу:Химоя қилинган жойларда сабзавот кўчатларини етиштириш технологияси

Химояланган сабзавотчиликда иншоотлардан унумли фойдаланиш. асосий, оралик, зичловчи экинлар. Иссикхона ва парникларни, тупрок ва уругларни экишга тайёрлаш. Кўчатчиликнинг мазмуни, мохияти, ижобий ва салбий хусусиятлари, кўчатларни етиштириш турлари, усуллари: стаканчали, стаканчасиз, пикировкали, пикировкасиз етиштириш ахамияти ва хусусиятлари. Режалаштирилган сабзавотчилик асосида кўчат етиштириш, уларнинг анъанавий ва замонавий технологиялари. 2соат

4- Мавзу:Химоя қилинган жойларда сабзавот етиштириш технологияси.

Иссикхоналарда сабзавот алмашлаб экиш тизими. Куз-кишки, қиш- бахорги мавсумлар ва йил давомида ўтувчи (айланма) мавсумда махсулотлар етиштиришда иссикхоналарни экишга тайёрлаш ҳамда тегишли экинлар

(помидор, бодринг ва баъзи бошқалар) раёнлашган навлари, дурагайлари тавсили, кўчатларини ўтқозиш муддатлари. жойлаштириш шакллари. ўғитлаш, парваришлаш тартиби, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш.

Шаффоф пардали беркитмалар остида сабзавотлар етиштиришга оид маълумотлар. Асосий экинларга хос оралик ва зичловчи экинлар, агробиологик хусусиятлари, хосилларни йигиб-теришлар. 2соат

5- Мавзу:Томатдош сабзавотлар ахамияти, биологик хусусияти ва етиштириш технологияси

Сабзавотчиликда помидор, чучук, аччик; калампирлар, баклажонлар ботаник таърифи, сабзавоткорликдаги ўрни, халқ хўжалигидаги ахамияти, истикболлари. Ўсимликларнинг биологик хусусиятлари , навлари, маҳсулотларини етиштириш усуллари, экиш ва парваришлашда ўсимликларга хос шарт-шароитлар яратиш. Помидордош сабзавотларни етиштириш технологиясида механизациялаштириш , ўғит ва суғориш сувларидан самарали фойдаланиш. 2 соат

6- Мавзу: Бодринг ва қовокдош сабзавотлар гурухи

Бодринг ва қовокдош сабзавотлар гурухи, халқ хўжалигидаги ахамияти, агробиологик хусусиятлари, навлари, хусусиятлари сабзавоткорликдаги ўрни, етиштириш муддатлари ва технологиялари, хусусиятлари. 2соат

7-Мавзу: Карамдош сабзавотлар .

Карамдош сабзавотлар биологик хусусияти ва етиштириш агротехникаси . Сабзавотчиликда оқ бошли карам, гулкарам ва бошқаларнинг ахамияти, дехқончиликдаги ўрни, ўсимликларнинг агро-биологик хусусиятлари, навлари, маҳсулотларни етиштириш усуллари, ва улардан фойдаланиш тартиби. 2соат

8- Мавзу: Илдизмевали сабзавотлар, биологик хусусияти ва етиштириш

технологияси

Илдизмевали сабзавотлар гурухи, ахамияти, агробиологияси, навлари ва уларни хусусиятлари. Сабзи, ош лавлаги, турип, шолгомларни алмашлаб

Экишдаги ўрни , ахолини илдизмевали сабзавот маҳсулотларига бўлган талабларини узлуксиз қондириш йўллари. 2соат

9- Мавзу: Пиёзли сабзавотлар

Пиёзли сабзавотлар, биологик хусусияти ва етиштириш технологияси . Оддий бошли пиёз ва саримсоқ пиёзларнинг ахамияти, агробиологик хусусиятлари, туманлаштирилган навлари, маҳсулотлар етиштириш муддатлари, усуллари ва технологияси. Ахолини пиёз маҳсулоти билан узлуксиз таъминловчи усуллар ва хусусиятлари. 2соат

10-Мавзу: Мевачилик фанига кириш

Мевачиликни халқ хўжалигидаги ахамияти. Мевачилик фанининг вазифаси ва айрим хусусиятлари. Ўзбекистонда мевачилик ҳозирги ҳолати ва қисқача ривожланиш тарихи. Мева-резавор экинлари тарқалган минтақалар. Мевачилик чет мамлакатларда ривожланиши ҳақида маълумотлар. Мамлакатимизда мевачиликда эришилган фан-техника ютуқлар ҳамда ишлаб чиқаришда эришилган илғор тажрибалар. И.В.Мичурин олиб борган ишларининг ахамияти. Мевачиликни ривожлантиришда Р.Р. Шредер, А.А. Рыбаков, М.М. Мирзаев ва бошқаларнинг тутган ўрни. 2соат

11-Мавзу: Мева-резавор мева ўсимликлари ҳақидаги таълимот

Филогенез. Онтогенез: Катта ва кичик ривожланиш давр (цикл) лари. Муртаклик (ембрионал), ёшлик (ювенил), маҳсулдорлик ва қариш даврлари; Шитт бўйичам 1.Ўсиш, 2. Ўсиш ҳосил бериш, 3. ҳосил бериш ва ўсиш, 4. ҳосил бериш, ўсиш ва қариш, 5. ўсиш, ҳосил бериш ва қариш, 6. ҳосил бериш, қариш ва ўсиш, 7. ўсиш, қариш ва ҳосил бериш, 8.қариш, 9. ўсиш. Кичик ўсиш - ривожланиш циклидаги ўсув ва тиним даврлари, улардаги фенофазалар тиним даври фенофазалари: дастлабки тиним даври фазаси, биологик тиним даври фазаси, мажбурий биологик тиним даври фазаси; ўсув даври фенофазалари: куртакларни бўртиши ва гуллаш фазаси вегетатив ўсиш фазаси. 2соат

12-Мавзу: Мева-резавор мева экинлари кўчатларини етиштириш.

Мева-резавор мева экинларини ўсиши, ривожланиши ва махсулдорлигига таъсир этувчи омилларнинг таснифланиши . Климатик омиллар, эдафик омиллар, антропоген, агротехник омиллар. Мева-резавор мева экинларининг совуққа чидамлилиги ва хосилдорлигини оширишда агротехникани ахамияти. Мева ва резавор мева ўсимликларини ташқи мухит омилларига муносабати (харорат, ёруғлик, сув, хаво-газ ва тупроқ шароитларига муносабати). Мева кўчатларини жинсий ва вегетатив кўпайишидаги фарқи ва ирсий хусусиятларини ўзгариши. Пайвантаг билан пайвандустни бир бирига боғлиқлиги. Мева дарахт турлари учун кўлланиладиган пайвантаглар. Кучсиз пайвантаг хиллари ва улардан фойдаланиш. экиш учун уруғ тайёрланадиган уруғлик ва қаламча олиш, она боғини ташкил этиш. Клон пайвантагларни етиштириш, кўпайтириш ва сақлаш. Мевали экинлар уруғ кўчатлари ва кўчатлар етиштириш технологияси. 2соат.

13-Мавзу: Уруғли мева ўсимликлари.

Кўчатзорларни асосий турлари ва бўлимлари кўчатзорнинг давлат, илмий, хўжаликлар кўчатзори типлари. Кўчатзорнинг кўпайтириш, шакл бериш она боғлар участкалари Мева кўчатзорларга жой танлаш, кўчатзор вазифаси. Кўчатзорларда пайвандтаг ва экув ашёси сифатида етиштирилган уруғ кўчат хамда пайванд қилинган кўчатларга бўлган талаблар. Уруғкўчатлар етиштириш бўлими, биринчи иккинчи ва учунчи даласи. Кўчатларни сақлаш ва сотиш. Мевали усимликларни кўчатини яшил қаламчалардан етиштириш технологияси. 2 соат

14-Мавзу: Данакли мева ўсимликлари

Данакли мева ўсимликларининг халк хўжалигидаги ахамияти ва уларни қискача тарифи. кўчатзорларни асосий турлари ва бўлимлари кўчатзорнинг давлат, илмий, хўжаликлар кўчатзори типлари. Кўчатзорнинг кўпайтириш, шакл бериш она боғлар участкалари мева кўчатзорларини ташкил қилиш. Жой танлаш, кўчатзор вазифаси. Кўчатзорларда пайвандтаг ва экув ашёси сифатида етиштирилган уруғкўчат хамда пайванд қилинган кўчатларга

бўлган талаблар. Уруғкўчатлар етиштириш бўлими, биринчи иккинчи ва учунчи даласи. Кўчатларни саклаш ва сотиш. Мевали ўсимликларни кўчатини яшил каламчалардан етиштириш технологияси.

Мева дарахтлар учун тавсия қилинадган пайвандлаш усуллари— каламча пайванд, куртак пайванд ва уларни турлари. Пайвандлаш муддатлари. Пайвандлаш ишларини ўтказиш учун пайвандтаглар ва пайвандустларни тайёрлаш. Қаламча пайванд ўтказиш тартиби ва технологияси, Куртак пайванд ўтказиш тартиби ва технологияси. 2 соат

15-Мавзу: Субтропик ўсимликлари ва ёнғоқлилар.

